

ҚОЗОҒИСТОН

<http://www.memst.kz/>

<http://www.naceks.kz>

сайт материаллари бўйича

Стандартлаштириш ва техник тартибга солиш

Республикада маҳсулот ва жараёнлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган техник тартибга солиш давлат тизимининг ҳуқуқий асосларини ҚР “Техник тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни белгилайди.

Қозоғистон Республикаси Саноат ва янги технологиялар вазирлигининг Техник тартибга солиш ва метрология қўмитаси Қозоғистон Республикаси Саноат ва янги технологиялар вазирлиги ваколати чегарасида ва Қозоғистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ техник тартибга солиш ва ўлчовлар бирлилигини таъминлаш доирасида бошқарув, назорат ва амалга ошириш вазибаларини бажарувчи идора ҳисобланади (<http://www.memst.kz/>)

Қозоғистон Республикаси қонуни бўйича мамлакатга олиб кириладиган чет эл ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотлари сифат стандартларига жавоб бериши керак ва шунинг учун улар **сертификатлаштирилиши** лозим. Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг 2005 йил 20 апрелдаги 367-сонли Қарорига мувофиқ **Қозоғистон Республикасида мувофиқлиги мажбурий тасдиқланиши керак бўлган** маҳсулотлар рўйхати билан Қозоғистон Республикаси Саноат ва янги технологиялар вазирлигининг Техник тартибга солиш ва метрология қўмитасининг расмий сайтыда танишиш мумкин: http://www.memst.kz/ru/pb/pb.php?ELEMENT_ID=405

Сертификатлаштириш тартиби қуйидагиларни кўзда тутлади:

- сертификатлаштириш учун талабнома бериш ва уни кўриб чиқиш;
- талабнома бўйича қарор қабул қилиш, шу жумладан схема танлаш;
- сертификатлаштириш ишларини ўтказиш учун шартнома тузиш; идентификациялаш, намуналарни танлаш ва уларни синовдан ўтказиш;
- ишлаб чиқаришни баҳолаш (агар бу сертификатлаштириш схемасида кўзда тутилган бўлса);
- олинган натижаларни таҳлил қилиш ва Сертификат бериш (рад этиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- техник тартибга солиш давлат тизими реестрида Сертификатни рўйхатга киритиш;
- Сертификат бериш;
- сертификатланган маҳсулот устидан инспекцион назоратни амалга ошириш (агар бу сертификатлаштириш схемасида кўзда тутилган бўлса);
- сертификатлаштириш натижалари тўғрисида ахборот тақдим этиш.

Импорт маҳсулотни чет эл мувофиқлик сертификати билан юборишда **тан олиш процедураси** ўтказилиши, **яъни Қозоғистон сертификати чет эл сертификати асосида берилиши (маълум шартлар мавжуд бўлса)** мумкин. Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида Сертификатлаштириш ишлари натижаларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги икки томонлама ҳукуматлараро келишув мавжуд.

Мувофиқликни мажбурий тасдиқлаш – маҳсулот техник регламентда ўрнатилган талабларга мослиги тасдиқланадиган процедура.

Маълум маҳсулот тури учун сертификат олиш техник тартибга солиш доирасидаги меъёрий-ҳуқуқий акт, техник регламентлар, Қозоғистон Республикасининг ["2004 йил 9 ноябрдаги 603-II ЗРК- сонли "Техник тартибга солиш тўғрисида"ги \(17.07.2009й. ҳолати бўйича ўзгариш ва қўшимчалар билан\) қонуни](#), Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг 2005 йил 20 апрелдаги 367-сонли ["Қозоғистон Республикасида маҳсулот мувофиқлигини мажбурий тасдиқлаш тўғрисида"ги \(28.06.2008й. ҳолати бўйича ўзгариш ва қўшимчалар билан\) қарори билан](#) регламентланган.

Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш **муддати** ушбу сертификатлаштириш доирасида олдин расмийлаштирилган сертификатлар мавжудлигига, маҳсулот тури, товар миқдори (партия, шартнома, серияли ишлабчиқариш) ва унинг специфик ҳоссаларига боғлиқ. Барча тақдим этилган ҳужжатлар ўрганиб чиқилгандан сўнг экспертлар томонидан келгусидаги сертификатлаштириш ишларини ўтказиш муддати аниқланади.

Сертификатлар юкка оид божхона декларацияси билан бирга божхона органларига **тақдим этилади** ва маҳсулотни Қозоғистон Республикаси ҳудудига олиб киришга рухсатнома олиш учун зарур ҳужжат ҳисобланади.

Муддати 3 йилгача бўлган **серияли ишлаб чиқариш учун мувофиқлик сертификати** аккредитлаш аттестатига эга бўлган мувофиқликни тасдиқлаш органи томонидан берилиши мумкин. Сертификат хорижий ишлаб чиқарувчи-фирма ёки Қозоғистон бозорига маҳсулот етказиб берувчи-корхонага берилиши мумкин. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни ва лабораторияга оид тадқиқотлар, намуналар ўрганилгандан сўнг мувофиқликни тасдиқлаш органи сериялаб ишлаб чиқаришга мувофиқлик сертификатини бериш тўғрисидаги ҳулосани қабул қилади. Агар корхонада сертификатланаётган маҳсулот сифат менежменти тизимида мўлжалланган сертификат мавжуд бўлса ҳулоса тезроқ қабул қилинади ва бундай ҳолларда ишлаб чиқариш ҳолати таҳлил қилинмайди.

Сериялаб ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг мувофиқлигини тасдиқлаш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: ишлаб чиқарувчи тўғрисидаги маълумот, талабнома берувчи тўғрисидаги маълумот, талабнома берувчи корхона рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, талабнома берган фирманинг реквизитлари, тур ва маркасини кўшган ҳолда сертификатланаётган маҳсулотнинг аниқ номи, ишлаб чиқариш тури ва тўп ўлчами, техник ҳужжатлар, олдин олинган сертификатлар ёки синов баённомалари (мақсадга мувофиқ), ишлаб чиқарувчи (талабнома берувчи)дан қафолат хати.

Маҳсулот тўпининг мувофиқлигини тасдиқлаш учун қуйидагиларни тақдим этиш керак: ишлаб чиқарувчи тўғрисидаги маълумот, талабнома берувчи тўғрисидаги маълумот, талабнома берувчи корхона рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, талабнома берган фирманинг реквизитлари, тур ва маркасини кўшган ҳолда сертификатланаётган маҳсулотнинг аниқ номи, техник ҳужжатлар, олдин олинган сертификатлар ёки синов баённомалари, тўп миқдори, маҳсулот кириб келаётган шартноманинг нусхаси.

Сертификатларни эгалик шаклига боғлиқ бўлмаган ҳолда, маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқарувчилар (ижрочилар), маҳсулот (хизмат) етказиб берувчи ва истеъмолчилардан эркин бўлган, штатида мувофиқликни тасдиқлаш бўйича эксперт-аудиторлар мавжуд бўлган ташкилотлар ва Қозоғистон Республикаси қонунчилигида

кўзда тутилган ҳолларда мувофиқликни баҳолаш доирасида аккредитлаш тўғрисидаги Қозоғистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда аккредитланган бириктирилган фаолият йўналишлари бўйича лабораториялар беради.

Сертификатлаштириш бўйича ишлар мувофиқликни тасдиқлаш органи (кейинчалик МТО) билан тузилган шартнома асосида корхона-буюртмачи томонидан тўланади. Сертификатлаштириш учун талабнома аккредитлаш доирасига талабнома берилган маҳсулот ёки хизмат кирадиган ихтиёрий МТОга берилиши мумкин. Сертификатлаштириш (ва тан олиш) бўйича ишлар талабнома берувчи томонидан МТОда бериладиган бланкда расмийлаштириладиган сертификатлаштириш талабномаси берилгандан ва тузилган шартнома ва ёзиб берилган сўтга мувофиқ тўлов амалга оширилгандан сўнг бошланади.

Сертификатлаштириш бўйича хизматнинг қиймати товарнинг ўзига хос хусусияти, бошқа сертификатларнинг мавжудлиги ва сертификатлаштириш бўйича ўтказилаётган тадқиқотларнинг ўзига хослигига боғлиқ. Келгусидаги сертификатлаштириш жараёнининг барча аспекти ўрганилгандан сўнг охириги қиймат ва сертификатлаш хизматини кўрсатиш муддати аниқланади. Барча тақдим этилган ҳужжатлар ўрганилгандан сўнг мувофиқликни тасдиқлаш органи мутахассислари томонидан келгусидаги сертификатлаш қиймати аниқланади.

Мувофиқликни ихтиёрий тасдиқлаш – маҳсулот, хизмат, ишлаб чиқарувчи (ижрочи) ёки сотувчи ташаббуси бўйича ўтказиладиган жараёнларнинг стандарт, бошқа ҳужжат ёки буюртмачининг махсус талабларига мослиги тасдиқланадиган процедура. Маҳсулот, жараёнларнинг инсон ҳаёти ва соғлиғи ҳамда атроф муҳит, шу жумладан ўсимлик ва ҳайвонот олами учун хавфсизлигини тасдиқлайди.

Мувофиқлик тўғрисидаги декларация агар бу техник регламентларда кўзда тутилган бўлса мувофиқлиги мажбурий тасдиқланиши лозим бўлган маҳсулот ишлаб чиқарувчиси (ижрочиси) томонидан, шунингдек мувофиқлиги мажбурий тасдиқланиши лозим бўлмаган ҳар қандай маҳсулотга нисбатан ихтиёрий тартибда расмийлаштирилади.